

Ўзбекистон Халқ демократик  
партияси XIII қурултойининг  
2023 йил 29 майдаги қарорига  
илова

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан  
Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод  
Иноятов Улуғбек Илясовичнинг

**ДАСТУРИ**

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод дастурининг асосий мақсади – мамлакатимизда ижтимоий адолат, ижтимоий тенглик ва халқ ҳокимиятчилиги мезонларига мос келадиган демократик ижтимоий давлатни барпо этишdir.

**Ижтимоий адолат** – бу ҳар бир шахснинг уй-жой, коммунал хизматлар, замонавий таълим ва малакали тиббий ёрдам, маданият ва спорт, муносиб иш ҳақи олишга бўлган ҳуқуқларини адолатли ва тенг таъминлаш, ногиронлиги бўлган шахслар, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш.

**Ижтимоий тенглик** – бу ҳуқуқларнинг тенглиги, ушбу ҳуқуқлардан фойдаланишда ҳамма учун тенг имкониятлар ҳамда ижтимоий, мулкий ҳолати ва даромад даражасидан қатъи назар, қонун олдида барчанинг тенглиги.

**Халқ ҳокимиятчилиги** – бу барча фуқароларнинг, шу жумладан аҳолининг эҳтиёжманд қатламларининг вакиллик демократияси институтлари орқали ҳам, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари орқали ҳам жамият ва давлат ҳаётида иштирок этишларини таъминлаш.

2023 йил 30 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистон **“ижтимоий давлат”** деган конституциявий тамойил муҳрланди ва шунга мувофиқ, давлатнинг **ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари уч бараварга** ошди.

Илк бор давлат зимиасига **аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг ҳаёти сифатини ошириш**, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш чораларини кўриш мажбурияти юкланди. **Пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамлар** миқдори энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди.

Биринчи маротаба фуқароларнинг **уй-жойли бўлиш** ҳуқуқи ва уй-жой қурилиши давлат томонидан рағбатлантирилиши, ёшларимизнинг олийгоҳларга **танлов асосида** давлат гранти ҳисобидан ўқиш каби ҳуқуқлари қатъий белгиланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Халқ демократик партияси томонидан сайловолди дастурдаги асосий мақсад сифатида янги таҳрирдаги Конституцияда белгиланган **давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини** самарали амалга ошириш механизмларини белгилаш ҳамда **демократик ижтимоий давлатни барпо этиш** учун қуидаги устувор йўналишлар таклиф этилади.

### **I. Кучли ижтимоий сиёsat – ижтимоий давлатчилик пойдевори, барқарор жамият ва фаровон турмуш асоси**

Давлат аҳоли манфаатларини тўлақонли таъминлаш мақсадида **кучли ижтимоий сиёsat юритиши** лозим, деб ҳисоблаймиз. Мазкур йўналишда қуидагиларга эътибор қаратиш керак:

- ✓ аҳолининг эҳтиёжманд қатламларининг яшаш шароитларини яхшилаш;
- ✓ ҳар бир инсоннинг бирламчи ҳаётий эҳтиёжларига етадиган энг кам **истеъмол харажатларини қонун даражасида белгилаш** мақсадида “Энг кам истеъмол харажатларини белгилаш тартиби тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш;
- ✓ фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, **ишизлиқдан ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш** чораларини кўриш, **оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бўлган шахсларни** ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга ғамхўрлик қилиш;
- ✓ ёшларнинг касб-хунар танлаши, бепул таълим олиши, ўқув муассасаларини тугатгандан сўнг ишга жойлашиш кафолатини мустаҳкамлаш;
- ✓ барча фуқаролар учун адолатли давлат пенсия таъминоти тизимини жорий қилиш, шу жумладан, эр ёки хотини вафот этганда ҳамда вафот этган шахс кўпроқ пенсия олган тақдирда, ушбу пенсияни унинг ҳаёт бўлган турмуш ўртоғига ўтказиб бериш (**пенсияни алмаштириш**) тартибини жорий этиш;
- ✓ пенсия ва ижтимоий нафақалар инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга етарли бўлишига эришиш.

Биз, ижтимоий ҳимоя қилиш тизими **барча муҳтоҷ фуқароларни тўлиқ қамраб олиши** зарур, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун қуидагиларни амалга ошириш зарур:

- ✓ пенсионерларнинг ҳаёт даражасини яхшилаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш;
- ✓ иш билан таъминланмаган фуқароларни, айниқса, **ишсиз аёллар сонини кескин камайтиришга**, фуқароларни камбағаллик ҳолатига тушиб қолишининг олдини олишга ёки камбағаллик тоифасига кириб қолган фуқароларни ундан чиқариш бўйича давлат томонидан тегишлиchoralarin kuriish;
- ✓ кам таъминланган, лекин, боқимандалик кайфиятида юрган фуқароларни жамиятимизнинг фаол иштирокчисига айлантириш;
- ✓ ёлғиз кексалар, ота-она қарамоғисиз қолган болалар ҳамда ўзгалар парваришига муҳтоҷ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаётий эҳтиёжларига эътиборни кучайтириш;
- ✓ эҳтиёжманд шахсларга ажратилаётган моддий-ижтимоий ёрдам маблағларининг манзилли ва мақсадли етиб бориши устидан **жамоатчилик назоратини кучайтириш.**

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг талаб ва эҳтиёжлари, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, қуидаги чораларни кўриш зарур:

- ✓ миллий қонунчиликни БМТнинг **Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича конвенциянинг** тамойиллари ва меъёрларига тўла мувофиқлаштириш;
- ✓ ногиронлиги бўлган шахсларга оид халқаро меъёрлар ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш;
- ✓ мамлакатимизда БМТнинг **Ногиронларга нисбатан умумжаҳон ҳаракатлар дастурини** амалга ошириш бўйича зарурий чоралар кўриш;
- ✓ ногиронлиги бўлган шахсларнинг шаҳар йўловчи транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма обьектларидан **эркин фойдаланиши** учун зарур шароитларни кенгайтириш ва ривожлантириш.

## **II. Арzon уй-жой ва сифатли коммунал хизматлари – одамларнинг ҳаёт сифатини яхшилашнинг муҳим омили**

Мамлакатимизда “мехрибонлик” уйларининг битирувчиларини, ногиронлиги бўлган шахсларни, кам таъминланган оиласларни, айниқса, алоҳида ёрдамга муҳтоҷ хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, уларга субсидиялар бериш, уйларнинг дастлабки бадалларини тўлаб бериш, имтиёзли ва узоқ муддатли ипотека кредитлар бериш каби маълум бир чоралар кўрилмоқда. Бу шахснинг ижтимоий барқарорлиги ва ҳаётдан розилик даражасини оширади. **Шу билан бирга амалга оширилаётган ишлар тизимли кенгайтирилиши керак, деб ҳисоблаймиз.**

Биз камбағалларга жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, ногирон фарзандларни тарбиялаётган ота-оналар, оғир ижтимоий аҳволга тушган аёллар учун арzon уй-жойлар қурилишини янада қўпайтириш тарафдоримиз.

Ушбу масалани ҳал этишда қўйидагиларни амалга ошириш лозим:

- ✓ мамлакатимизда замонавий инновацион технологиялар асосида қурилиш материаллари ва конструкциялар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- ✓ кам таъминланган аҳоли учун арzon уй-жой қуришга имтиёзли ипотека кредити бериш амалиётини янада кенгайтириш, ушбу масалани қонун даражасида тартибга солиш;
- ✓ “Уй-жой қурилишини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш;
- ✓ турар-жойларни қуришда жалб қилинган аҳоли маблағларини ҳимоя қилиш кафолатларини яратиш мақсадида “Кўп квартирали уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш қўшган ҳолда қуришда иштирок этиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш;
- ✓ аҳолини арzon электр-энергия, иссиқлик ва иссиқ сув тизими билан таъминлаш бўйича ҳудудий инвестиция дастурларини, жумладан, жойларда давлат-хусусий шериклик тартибида дастурларни амалга ошириш;
- ✓ коммунал хизматлар тарифлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш;
- ✓ ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш мақсадида соҳада жамоатчилик назоратини амалга оширишни янада кучайтириш;
- ✓ шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларида **яшил ҳудудлар, истироҳат боғлари, болалар ўйингоҳларини** кенгайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг дам олиши учун шароитларни яхшилаш;

- ✓ жамоат транспорти бекатлари ва транспорт тўхташ жойларида велосипедлар учун хавфсиз ва ҳимояланган махсус жойлар қуриш.

### **III. Кафолатли ва сифатли тиббий ёрдам – инсон саломатлиги гарови**

Бирламчи тиббий ёрдам сифати, айниқса, кам таъминланган аҳолига малакали бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантиришда қуйидагиларни устувор йўналишлар, деб ҳисоблаймиз:

- ✓ фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида **бирламчи ва ихтисослашган тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш**, мамлакатда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, профилактик чораларни кучайтириш;
- ✓ **тиббий суғуртани** босқичма-босқич жорий қилиш ва **тиббий хизматларни рақамлаштириш**, шифокорлар томонидан дориларни тайинлашда электрон рецепт тизимиға ўтиш ва соҳада қатъий давлат назоратини ўрнатиш;
- ✓ **фармацевтика соҳасида давлат назоратини кучайтириш**, янги дори воситаларини **синовдан ўтказиш ва рухсат бериш** тартиб-таомилларини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти талаблари асосида такомиллаштириш;
- ✓ “Дори-дармонлар ва тиббий воситалар нархларини давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш;
- ✓ **аҳоли соғлиғини ишончли муҳофаза этиш** ҳамда аҳоли, оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этиш чораларини кўриш;
- ✓ аҳолининг алоҳида тоифалари, жумладан, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахсларга тақдим этиладиган дори воситалари, протезлаш воситалари ва бошқа тиббий-ижтимоий хизматлар **кўрсатиш тизимини такомиллаштириш**.

### **IV. Ёшлар таълими – миллат келажаги ва юртимиз рақобатбардошлигининг гарови**

Билим инсонни комилликка кўтариш билан бирга, у яшаётган жамият ва мамлакатни ҳам юксалтиради. Инсонда билим ва интеллект таълим натижасида шаклланади. Шу боис давлат фуқароларнинг таълимга оид ҳуқуқларини амалга оширишни ўз зиммасига олиши энг асосий вазифадир.

Таълимда аҳолининг барча қатламларига тенг имкониятлар яратиш учун қуидаги чораларни қўриш зарур:

- ✓ **болаларни мактабгача таълим қамровини кенгайтириш,** бунинг учун давлат янги боғчаларни қуриш, мавжудларини таъмирлаш, давлат, давлат-хусусий шериклиқдаги боғчаларни кўпайтириш;
- ✓ **боғча ва мактабларда болаларнинг хавфсизлиги ва саломатлиги, санитария-гигиена талабларига риоя этилиши,** миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган тарбия, таълимнинг юқори сифати ва мазмундорлигини таъминлаш;
- ✓ **мактаб ўқувчилари учун жамоат транспортларидан фойдаланишда табақалашган тарифларни жорий қилиш;**
- ✓ **таълим биз учун ҳаёт-мамот масаласи эканлигини чуқур англаган ҳолда жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ва тадбиркорлик субъектларининг фойда солиғининг амалдаги ставкаси доирасида бир фоизини “мактаб солиғи” сифатида ажратиш, ушбу маблағни мактабгача таълим ва мактабни ривожлантириш учун йўналтириш;**
- ✓ **мактаблар ўқув дастурларида чет тиллари ва IT бўйича ўқув соатларини кескин кўпайтириш;**
- ✓ **давлат хисобидан олий таълим олиш тизимини такомиллаштириш,** кам таъминланган оиласларнинг иқтидорли фарзандларини таълим олишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- ✓ **талабаларнинг дарсни ўзлаштириши ва уларнинг инновацион фаолиятда иштирокига қараб, стипендиялар миқдорини белгилаш;**
- ✓ **тураг-жой ижараси учун компенсация тизимини докторантларга нисбатан ҳам жорий этиш;**
- ✓ **олис қишлоқлардаги болалар учун мўлжалланган маданият муассасалари, спорт иншоотлари, “Баркамол авлод” марказлари, мусиқа ва санъат мактабларининг фаолиятини янада ривожлантириш;**
- ✓ **таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклузив таълим ва тарбия таъминлаш;**
- ✓ **ногиронлиги бўлган болаларни қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш,** уларга маънавий-маърифий соҳада тенг имкониятларни таъминлаш. Инклузив таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларга имтиёзлар тақдим этиш;

✓ кутубхоналардан фойдаланиш имкониятини ошириш, уларни барча учун фойдаланиш эркин бўлган ахборот-маданий марказларга айлантириш.

## **V. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти – барқарор тараққиёт ва ижтимоий фаровонлик асоси**

Бозор иқтисодиётининг самарали амал қилиши учун етарли иқтисодий-хуқуқий шарт-шароитларни яратиш, рақобатни ҳимоя қилиш, шу билан бирга, инфляция ва ишсизликни бартараф этиш давлатнинг муҳим вазифаларини ташкил этади.

Биз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдоримиз. Иқтисодий сиёsatнинг ижтимоий самарадорлигини таъминлашда қуийдагиларни устувор вазифалар, деб ҳисоблаймиз:

- ✓ иқтисодиётда давлатнинг фаол роли ва иштирокини сақлаб қолиш;
- ✓ хусусийлаштиришнинг хуқуқий асосларини ва давлат мулкининг қийматини аниқлаш механизмларини такомиллаштириш;
- ✓ миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш, маҳаллий инвесторларга ҳам хорижий инвесторларга берилганидан кам бўлмаган имтиёзлар бериш;
- ✓ қимматбаҳо мол-мулк учун солиқ жорий этиш, бунда миқдори қонун билан белгилангандан юқори уй-жой, автотранспорт ёки бошқа мол-мулк мулкдорларидан ушбу солиқнинг ундирилишини назарда тутиш;
- ✓ Интернет, ижтимоий тармоқлар орқали тижорий фаолият, реклама билан шуғулланиб, ўртacha ойлик номинал иш ҳақидан юқори фойда кўраётганлардан барча ишчи-ходимлар қатори даромад солиғи ундириш тизимиға ўтиш;
- ✓ мамлакатнинг иқтисодий қудрати, энг аввало, кафолатланган бюджетга бевосита боғлиқлигини инобатга олиб, ундириладиган барча тўловларни (жарима, давлат божи, йигим, бошқа мажбурий ундирувлар) Давлат бюджетига йўналтириш тартибини жорий этиш;

✓ барқарор иш ўринлари билан таъминлашга қаратилган қонунчилик базасини такомиллаштириш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг шахсий ташаббуслари ва уддабуронлигини рағбатлантириш;

✓ фуқароларнинг **бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш**, уларни ишсизлиқдан ҳимоя қилиш, фуқароларнинг касбий тайёргарлиги, қайта тайёрланишини ташкил этиш ва рағбатлантириш;

✓ аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида **якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар шуғулланиши мумкин бўлган соҳаларни ҳамда ўзини ўзи банд қилган деб ҳисобланадиган фаолият турлари рўйхатини** кенгайтириш;

✓ юқори қўшимча қийматга эга ва инновацион илғор технологияларга асосланган ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантириш мақсадида **самарали молиявий ва солиқ имтиёзларини қўллаш**;

✓ ўзини-ўзи банд қилиш ва хусусий тадбиркорликдан олинадиган даромадлар ҳисобидан меҳнатга лаёқатли аҳолининг барқарор иш ўринларида бандлигини таъминлашга эришиш.

Биз иқтисодиётда давлатнинг асосий тартибга **солувчилик ролини кучайтириш** зарур, деб ҳисоблаймиз. Бунда:

✓ ҳудудларнинг **барқарор ривожланиши** учун давлат даромадларини тенг ваadolатли тақсимлаш, ҳудудий дастурларни амалга ошириш учун давлат бюджети, бошқа ички ва ташқи манбалардан қўшимча молиявий ресурсларни сафарбар этиш;

✓ умумхалқ аҳамиятига эга иқтисодиёт тармоқларининг бошқарувида **давлат иштирокини мустаҳкамлаш**;

✓ давлат улуши бўлган йирик ишлаб чиқариш корхоналари **кузатув кенгашлари таркибиغا жамоатчилик вакилларини ҳам киритиш** орқали уларнинг шаффофлигини янада ошириш;

✓ озиқ-овқат маҳсулотлари ва кундалик эҳтиёждаги бошқа товарларни ишлаб чиқариш соҳасида давлат томонидан тартибга солиш чораларини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш;

✓ импорт ўрнини босадиган ижтимоий аҳамиятга молик товар ва хизматларни ишлаб чиқариш бўйича асосли бизнес-лойиҳаларни амалга ошириш учун **имтиёзли кредитларни** жорий этиш лозим.

Ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори қўшимча қийматга эга товарлар билан тўлдириш барқарор иқтисодий ривожланишнинг асосий омилларидан биридир.

Маҳаллий ҳокимликлар даражасида ҳаёт учун муҳим ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлар ҳамда кундалик зарур товарларни ишлаб чиқариш бўйича ўрта муддатли ҳудудий дастурларни шакллантириш ва тасдиқлаш лозим. Мазкур дастурларни ҳудудларда иш ўринлари ташкил этишга доир давлат буюртмалари ҳамда ўрта маҳсус, олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш дастурларига мувофиқлаштириш зарур.

Ҳудудий ривожлантириш дастурларида маҳаллий саноатнинг ўсиши билан бир қаторда **қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг** самарадорлигини ошириш, бу борада ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунда:

- ✓ қишлоқ хўжалигига натижадорликни ошириш имконини берадиган хўжалик юритиш шаклларини жорий қилиш, шу асосда **озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг барқарор ва самарали тизимини яратиш**;
- ✓ қишлоқ инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари ва технологияларини ривожлантиришга **сармоя киритишни қўпайтириш**;
- ✓ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ҳамда қайта ишлаш корхоналари ўртасида **кооперацияни ривожлантириш**;
- ✓ қишлоқ хўжалигига маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, рақобатни ошириш, бозорни сифатли ва арzon қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш.

Ушбу вазифаларни ҳал қилиш орқали қуйидаги мақсадларга эришамиз:

- ✓ ички бозорни арzon озиқ-овқат маҳсулотлари ва ижтимоий аҳамиятга молик товарлар билан тўлдириш, ушбу маҳсулот ва товарлар нархлари кескин ўсиб кетишини олдини олиш;
- ✓ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда уларни қайта ишлаш корхоналарида барқарор ва юқори ҳақ тўланадиган янги иш ўринлари яратиш;
- ✓ аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш самарадорлигини ошириш.

Биз иқтисодиётни либераллаштириш ва эркин бозор муносабатлари жамиятни ижтимоий ривожлантириш мақсадларига эришиш кафолатини бермайди, деб ҳисоблаймиз. Шу боис давлат ва жамият томонидан

**иқтисодий ривожланишни мувоғиқлаштириш ҳамда тартибга солиш бўйича демократик тизимни шакллантириш лозим.** Бунда:

- ✓ иқтисодиётда таркибий ислоҳотларни амалга ошириш ва янги технологияларни жорий этиш масалалари бўйича **барча жабҳаларда ижтимоий муроҷот ва жамоат назорати механизмини жорий этиш**. Ушбу жараёнларни аҳолининг барқарор, юқори ҳақ тўланадиган иш ўринларида бандлигини ошириш, меҳнат муҳофазаси, ишлаб чиқаришнинг экологик тозалигини таъминлаш билан уйғунликда олиб бориш;
- ✓ юртимиз аҳолиси ҳар йили қарийб бир миллионга кўпаймоқда, бу давлат олдига янги мактаблар ва касалхоналар, ижтимоий инфратузилмаларни барпо этиш мажбуриятини қўяди. Янгиланган Конституцияда белгиланган **ижтимоий давлат мақоми** ва у билан боғлиқ ижтимоий мажбуриятни тўлақонли бажариш учун давлат ўз харажатларини сарфлаш тизимида тубдан ўзгариш қилиши лозим. Асоссиз харажатларга йўл қўймайдиган, “Давлат бюджети – халқ маблағи” тамойили асосида унинг сарф-харажатлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим.

## **VI. Товар ва хизматларнинг ижтимоий мақбуллиги – тенглик муҳити ва тенг имкониятлар яратади**

Ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматларнинг нархларини шакллантириш устидан давлат ва жамоатчилик назоратини қатъий ўрнатиш лозим. Шу мақсадда қўйидаги чораларни кўриш зарур:

- ✓ ишлаб чиқариш соҳасида давлат томонидан тартибга солиш чоратадбирларини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш;
- ✓ юқори ижтимоий аҳамият касб этувчи соҳаларни истеъмолчилар манфаати устунлиги нуқтаи назаридан тартибга солиш. Бунда, тартибга солиш давлат томонидан нархларни ёки уларнинг энг юқори (энг паст) даражасини ўрнатиш орқали амалга ошириш;
- ✓ камбағалларни арzon ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий қилиш;
- ✓ истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган кундалик зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва товарлар билан тўлдириш.

## **VII. Ижтимоий тенглилкка ва халқ ҳокимиятчилигига асосланган демократик бошқарув**

Биз мамлакатда ижтимоий тенглилкка асосланган халқ ҳокимиятчилиги принципини мустаҳкамлаш орқали демократик ижтимоий давлатни барпо этиш тарафдоримиз. Бу аҳолининг барча, жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларининг **давлат, жамият ҳаёти, суд-хуқуқ тизимида тенглик асосида иштирок этишини таъминлаш** демакдир.

Шу билан бирга, барча инсонларнинг ёши, жинси, ногиронлиги, миллати, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш зарур.

Ушбу мақсадларда биз қуйидагиларга эришиш керак, деб ҳисоблаймиз:

- ✓ ижро ҳокимияти томонидан ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда Олий Мажлис Конунчилик палатасидаги **сиёсий партиялар фракциялари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гурӯҳлари билан маслаҳатлашувлар** ўtkазиш механизмини жорий этиш.

Фуқаролик жамияти институтлари мамлакатда демократия, хуқуқий давлат ва шахс эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қиласди. Биз мамлакатимизда **кучли фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш** тарафдоримиз. Ушбу мақсадда қуйидагиларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз:

- ✓ давлат бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг **бевосита иштирокини кенгайтириш**;
- ✓ давлат функцияларини **босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига бериб бориши** орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий шериклик асосида хизмат кўrsatiшга ўтиш;
- ✓ аҳоли муаммоларини ҳал этишнинг энг самарали ва адолатли шакли сифатида **маҳалла тизимини ривожлантириш**, маъмурий, ижтимоий, экологик, маданий ва бошқа муаммоларни ҳал этишда унинг тўлиқ иштирокини таъминлаш;
- ✓ **сиёсий партиялар, уларнинг депутатлик бирлашмаларининг хуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш**;

✓ давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги **ижтимоий ҳамда давлат-хусусий шериклик амалиётини** кенг ривожлантириш;

✓ жамоатчилик назорати, давлат бошқаруви ва ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда, қонун ҳужжатлари, давлат бошқаруви органлари фаолияти натижаларини муҳокама этишда фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг бевосита иштироки даражасини ошириш;

✓ фуқаролик жамияти институтларини **маҳаллий миқёсда қўллаб-куватлаш**, туманлардаги нодавлат нотижорат ташкилотларини фаолиятини кенгайтириш.

**Ёшларга оид давлат сиёсати** ёшларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилиши лозим. Салоҳиятли ёшларга сиёсий партиялар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари тизимида ишлашни рағбатлантириш зарур.

Давлат органлари фаолиятига аҳолининг ижтимоий кайфиятига таъсир қўрсатадиган муаммоларни олдиндан аниқлаш ва уларни самарали ҳал қилиш механизмларини кенг татбиқ этиш зарур. Шу билан бирга **демографик жараёнларни тизимли ўрганишни** йўлга қўйиш орқали, давлатнинг истиқболдаги ижтимоий мажбуриятларини аниқ белгилаб бориш тизимини жорий этиш тарафдоримиз.

### **VIII. Суд-хуқуқ ислоҳотлари – қонун устуворлигини, тенглик ва инсон хуқуқларини таъминлаш гарови**

Фуқароларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича суд механизмларининг мақбуллигини таъминлаш, қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш, хуқуқлар, мажбуриятлар ва имкониятлар тенглигига қатъий амал қилиш **суд-хуқуқ соҳасини ислоҳ этишдаги устувор йўналишлар** ҳисобланади.

Янги таҳрирдаги Конституциядан келиб чиқиб, давлат **инсоннинг асосий, табиий ва ажралмас хуқуқларини таъминлаши** ва кафолатлаш мақсадида қўйидагиларни амалга ошириш зарур:

✓ **вилоят, туман (шахар) даражаларида судлар раисларининг ҳар йили ротация қилиш амалиётини** киритиш лозим, ушбу чора суд раисларининг бошқа судьяларга таъсир қилиш имкониятини чеклади, судьялар ягона мақоми амалда ўз тасдигини топишига хизмат қиласди ҳамда суд мустақиллиги учун жуда катта туртки бўлади;

- ✓ одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари ўрнига **ҳакамлар ҳайъати институтини жорий қилиш;**
- ✓ илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, соҳавий назорат органлари (инспекциялар) фаолиятини кучайтириш, уларга вазирликларнинг субъектив таъсирини камайтириш, шунингдек, соҳавий бирлаштириш ҳамда **техник хавфсизлик, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида назорат инспекцияларини ташкил этиш зарур;**
- ✓ **коррупцияга қарши қурашишни** кучайтириш, шу жумладан, давлат бошқарувини ҳалол **кадрлар** билан таъминлаш, “**Коррупцияга қарши қурашиш тўғрисида**”ги Қонунни такомиллаштириш;
- ✓ давлат органлари томонидан янги таҳрирдаги Конституцияни бевосита қўллаган ҳолда қарорлар қабул қилиш, фуқароларнинг **Конституция нормаларидан тўғридан-тўғри фойдаланиши учун шароит яратиш;**
- ✓ инсон шаъни ва қадр-қимматига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик учун фуқаролик қонунчилигига етказилган **зарарни қоплашга доир маҳсус нормаларни киритиш;**
- ✓ фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини амалга оширилишида **жамоатчилик назоратини ва меҳнат инспекциясининг** ролини ошириш;
- ✓ камситишларга қарши қонунчиликда белгиланган меъёр ва қоидаларнинг амалда, айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига нисбатан тўлиқ ва сўзсиз бажарилишини таъминлаш;
- ✓ кам даромадли фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда **адвокатура ва юридик хизматларнинг ижтимоий мақбуллигини** таъминлаш, уларга ҳуқуқий ёрдам ва хизмат кўрсатиш бўйича **ижтимоий мақбул бўлган тизим яратиш**, бепул маслаҳат берадиган юридик клиникалар тармоғини ривожлантириш;
- ✓ хотин-қизларни ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича амалий чораларни кучайтириш, васийлик ва ҳомийлик органларининг жавобгарлигини ошириш;
- ✓ сўнгги йилларда **тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш йўлакларида инсонлар, энг ачинарлиси, болалар ўлими** билан боғлиқ салбий ҳолатлар кўпайиб бормоқда, шу муносабат билан, барча тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш йўлакларини хатловдан ўтказиб, **светофорлар билан жиҳозлаш** бўйича дастур қабул қилиш лозим.

## **IX. Очиқлик ва миллий манфаатлар устуверлиги – конструктив ташқи сиёсат пойдевори**

Биз Ўзбекистоннинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш, бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатдорлик ва тенг ҳуқуқлилик асосида ҳамкорлик ва шерикчиликни фаол ривожлантириш, яхши қўшничилик, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш тамойиллари асосида, аввало, Марказий Осиё, МДҲ мамлакатлари билан муносабатларни ривожлантиришга йўналтирилган ташаббускор ташқи сиёсат юритиш тарафдоримиз.

Ушбу йўналишда қўйидагиларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз:

- ✓ **Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатларга қўшилиши** борасидаги ишларни изчил давом эттириш. Инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни кучайтириш, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича мулоқотларни мунтазам равища үтказиш;
- ✓ минтақавий барқарор ижтимоий ривожланиш, муқобил энергетика ва замонавий тиббиёт соҳаларида инновацион дастурлар ҳамда лойиҳаларни халқаро ҳамкорлар билан биргаликда амалга ошириш;
- ✓ **Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг** фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, **жамоатчилик назоратини кучайтириш**, шунингдек, Агентликнинг масъулиятини ошириш.

Ташқи сиёсат вазифаларини самарали амалга ошириш мақсадида қўйидаги ижтимоий-сиёсий механизmlарни таклиф этамиз:

- ✓ **парламентлараро алоқа** институтларини ривожлантириш, гуманитар, маданият, санъат, илм-фан, спорт ва туризм, нодавлат ташкилотлар ҳамда партиялараро алоқалар соҳаларида “халқ дипломатияси” усуllibарини қўллаш;
- ✓ мамлакатнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, инвестициявий жозибадорликни кенг тарғиб қилиш мақсадида **халқаро ахборот ресурсларидан фаол фойдаланиш**.